

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2019 йил “28” декабрдаги  
33/17 -сонли қарорига илова  
№ 131

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг  
Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат  
департаменти тўғрисида**

**НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаментининг (кейинги матнда Департамент) мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш асосларини белгилайди.

2. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Департамент Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги матнда Марказий банк) самарали коммуникацион сиёсатини таъминлаш мақсадида жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, аҳолини банк соҳасидаги янгилик ва ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиш учун ташкил этилган.

4. Департамент Ўзбекистон Республикаси Марказий банки марказий аппаратининг мустақил таркибий бўлинмаси бўлиб, унинг фаолияти Марказий банк Раисининг вазифалар тақсимотига кўра тегишли ўринбосари томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Департамент ўз фаолиятида Марказий банкнинг мустақил таркибий бўлинмалари, ҳудудий Бош бошқармалари, тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар, тижорат банклари ҳамда бошқа вазирлик, идоралар, давлат ва бошқарув органларининг тегишли хизматлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни амалга оширади.

**II. Департаментнинг асосий вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
Ахборот контентини тайёрлаш йўналишида:

Марказий банк фаолиятининг юқори самарадорлиги, яъни пул-кредит ва валюта сиёсати, банк ва тўлов тизимининг барқарорлиги таъминлаш доирасида ягона коммуникацион сиёсатни юритиш;

аҳоли ва кенг жамоатчиликнинг Марказий банк пул-кредит сиёсатиغا қизиқишини уйғотиш ва ишончини орттириш орқали инфляцион кутилмаларига ижобий таъсир кўрсатиш;

инфляцион таргетлаш режимида амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати мақсадлари ва вазифаларини кенг жамоатчиликка етказиш.

Ахборот манбаларини мониторинг қилиш ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш йўналишида:

Марказий банкнинг очиклиги ва шаффофлигини ошириш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш;

Марказий банкнинг ижобий имиджини шакллантириш;

пул ва молия бозори иштирокчиларининг Марказий банк ва банк тизимида амалга ошириладиган тадбирларнинг натижаларига қизиқишини орттириш ва ишончини мустаҳкамлаш;

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмнинг самарадорлигини оширишда коммуникацион каналининг ролини ошириш;

пул ва молия бозори иштирокчилари учун янгиликлар оқими ва ахборот контентини яратиш тизимини шакллантириш;

бозор иштирокчиларининг Марказий банк ва банк тизимида амалга ошириладиган тадбирларнинг натижаларига юқори даражадаги ишончини таъминлаш;

Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

Марказий банкнинг умумий брендини бошқариш, банк тизимининг юқори даражадаги обрўсини сақлаш;

Марказий банкнинг коммуникацион хабарлари аудиториясини сифат ва миқдор жиҳатдан кенгайтириш тадбирларини амалга ошириш;

пул ва молия бозори иштирокчиларида Марказий банк амалга оширадиган чора-тадбирларига нисбатан ноаниқ ва салбий кутилмаларининг олдини олиш;

Департамент ходимларининг тажриба орттириши ҳамда хорижий мамлакатларнинг марказий банклари ва фаолиятига алоқадор бўлган халқаро ташкилотларнинг фаолияти билан яқиндан танишиши, шунингдек, уларни ахборот жиҳатдан таъминлаш учун сафарга борувчи делегациялар таркибида иштирок этиши;

Марказий банкнинг матбуот анжуманлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлари ва брифингларини ташкил этиш ва ўтказиш;



тадбиркорлар ва аҳоли кенг қатламларининг пул маблағларидан самарали фойдаланишига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг банк муассасалари хизматлари билан қамровини кенгайтириш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

пул ва молия бозор иштирокчиларида пул-кредит сиёсати мақсадларини тушуниш даражасини ошириб, уларга пул-кредит сиёсатининг мавжуд инструментлари ва уларни қўллаш режалари тўғрисида маълумот бериш;

кутилаётган прогнозлар динамикасини ёритиш, пул-кредит сиёсатининг кутилаётган таъсирини тушунтириш;

аҳоли кенг қатламлари учун узатиладиган хабарларнинг таъсирини ошириш мақсадида бозорнинг профессионал иштирокчилари, молия бозори таҳлилчилари, профессионал иқтисодчилар, тадқиқотчилар учун тезкор равишда Марказий банкнинг ҳисоботлари ва протоколларини тайёрлашда иштирок этиш ва тарқатиш;

Марказий банкнинг ҳисоботлари ва баённомаларини, аудио-визуал ва бошқа ахборот материалларини тайёрлаш ва нашр этиш;

Марказий банкнинг чет эл марказий банклари, халқаро молия институтлари ва ташкилотлари, молия муассасалари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган хорижий банклар ва ташкилотлар ваколатхоналари билан коммуникацион сиёсат доирасида ҳамкорлик килиш;

Марказий банк таркибий бўлинмалари тақдим этган маълумотлар асосида тайёрланган материалларни оммавий ахборот воситалари ва Марказий банкнинг расмий веб-ресурсларида жойлаштириш;

Марказий банк раҳбарияти ва бошқа масъул ходимларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишларини (пресс-конференциялар, интервьюлар ва х.к.) ташкил этиш ва ўтказиш;

Марказий банк фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайт ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)), шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш ва Марказий банк фаолияти ҳақида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини таҳлил қилиш;

ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, департамент билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва ноҳолис ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш;

Марказий банк фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) билан таъминлаш;

Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда ўз расмий веб-ресурсида жойлаштириш;

маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг Марказий банк фаолияти тўғрисида материаллар тайёрлаш бўйича мурожаатлари ва сўровларини кўриб чиқиш, уларга кўмаклашиш ҳамда тегишли таркибий бўлинмалар билан биргаликда жавоблар тайёрлаш;

Марказий банк бўлинмалари тақдим этган ахборотлар асосида расмий веб-ресурсларда жойлаштирилиши лозим бўлган материалларни тайёрлаш;

департаментга юкланган вазифалар доирасида Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва бошқарув органлари, вазирликлар ва идоралар билан ёзишмалар олиб бориш;

департамент ваколатига кирадиган статистик ахборотлар ва маълумотларни йиғиш, жамлаш ва таҳлил қилиш;

Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда Департамент фаолиятига боғлиқ масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

Департамент фаолиятига дахлдор бошқа функцияларни бажаради.

### **III. Департаментнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарур маълумотлар ва материалларни Марказий банкнинг бошқа таркибий тузилмалари, ҳудудий Бош бошқармалар, тасарруфдаги ташкилотлар, тижорат банкларидан талаб қилиб олиш;

ўз ваколати доирасида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларига ва тижорат банкларига топшириқлар бериш;



Марказий банкнинг йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

давлат ва бошқарув органларининг тегишли хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

функционал мажбуриятлари доирасида давлат органлари, тижорат банклари, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг тадбирларида Марказий банк номидан иштирок этиш;

ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни, департамент фаолияти масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини раҳбариятга кўриб чиқиши учун киритиш;

Департамент фаолияти учун зарур бўлган миллий ва хорижий даврий нашрларга обуна бўлиш.

9. Департамент мажбуриятлари:

Департамент зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажарилишига;

банк сири ҳамда махфий ва хизмат доирасида фойдаланиш хусусиятига эга бўлган маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик;

ўз фаолиятига боғлиқ бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўз вақтида ва сифатли ижро этилишига жавобгардир.

#### **IV. Департаментнинг таркибий тузилмаси**

10. Департаментнинг тузилмаси ва штат жадвали Марказий банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланади.

11. Департамент куйидаги тузилмавий бирликларга эга: Ахборот контентини тайёрлаш бошқармаси, Ахборот манбаларини мониторинг қилиш ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бошқармаси, Нашр этиш учун материалларни тайёрлаш сектори.

#### **V. Департамент фаолиятини ташкил этиш**

12. Департамент фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарияти тасдиқлаган иш режаси асосида ташкил этилади, мувофиқлаштирилади ва назорат қилинади.

13. Департамент, Департамент директори, Департамент директори ўринбосари - бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиқлари, бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, бош иқтисодчилар, етакчи иқтисодчилар, 1-тоифали иқтисодчилар, журналистлар ва иш юритувчи лавозимларидан иборат. Заруриятдан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситалари ва

жамоатчилик билан алоқалар, веб-ресурслар ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

14. Департаментга директор раҳбарлик қилади. Департамент директори лавозимига Марказий банк Раиси томонидан тайинланади.

15. Департамент директори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли Қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси мақомига эга бўлиб, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг ўринбосарига тенглаштирилади.

16. Департамент директори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарорига асосан ва Марказий банкнинг ички тартибига мувофиқ лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

17. Департамент директори:

Департамент фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг ишларини ташкил этади, ички таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради, Департамент зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун зарур шароитларни яратади;

Департаментга келган корреспонденцияни кўриб чиқади, улар бўйича қарор қабул қилади, Марказий банк раҳбариятининг Департамент ваколатига тааллуқли масалалар бўйича топшириқларини сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилади;

Департамент ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари, Марказий банкнинг ички ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари (битимлар, контрактлар) лойиҳаларини ишлаб чиқади ва имзолашга тайёрлайди;

Марказий банк Бошқарувида кўриб чиқиш учун Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифлар киритади;

Департамент тузилмаси ва штатлари, ходимларни ишга олиш, лавозимини ўзгартириш ва ишдан бўшатиш, уларни моддий рағбатлантириш



ва мукофотлаш, меҳнат интизомини бузганлиги ва ишдаги камчиликлари учун чоралар кўриш учун ўрнатилган тартибда таклифлар киритади;

функционал вазифаларини лозим даражада бажармаган, ички тартиб ва меҳнат интизомига риоя этмаган ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида Марказий банк раҳбариятига таклиф киритади;

Департамент ходимларининг хизмат сафарлари натижаси бўйича материалларини кўриб чиқади ва ушбу материаллар бўйича тегишли таклифлар тайёрлайди;

Департамент ходимларининг профессионал даражаси ва малакасини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштиради;

ходимларнинг лавозимини ошириш учун захиралар тайёрлашни таъминлайди, захирада турган номзодлар учун индивидуал режалар ишлаб чиқади;

Департамент ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, шунингдек бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Марказий банкнинг ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлайди;

техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилиши устидан назоратни амалга оширади;

Департамент ваколати доирасида бошқа ишларни амалга оширади.

18. Департамент директори вақтинча бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини департамент директори ўринбосари - бошқарма бошлиғи бажаради.

19. Департамент директори ва директор ўринбосари - бошқарма бошлиғи бир вақтда бўлмаган ҳолларда Департамент директори вазифасини бажариш тегишли буйруқ асосида Департамент ички тузилмасидаги раҳбарларнинг бирига юклатилади.

20. Департаментнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари бўлинмага юклатилган барча вазифа ва функцияларнинг бажарилишини таъминлайди, ўз вақтида бажарилмаслиги ёки сифатсиз бажарилгани учун шахсан жавобгардирлар.

21. Департаментдан чиқаётган ҳужжатлар (материаллар) директор имзолашидан олдин ваколатлари доирасида Департаментнинг ички бўлинмалари раҳбарлари томонидан имзоланади.

22. Департамент ходимлари департамент директорининг тақдимномасига кўра Марказий банк раиси томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

23. Ишга қабул қилишда ва департаментда ишлаш чоғида ходимларга Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси умумий талаблари ҳамда

Марказий банк ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талаблар татбиқ этилади.

24. Департамент фаолиятини ахборот, ҳуқуқий, моддий-техник ва транспорт билан таъминлаш, шунингдек, унинг ходимларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш Марказий банкнинг таркибий тузилмалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Департамент ходими бошқа ишга ўтаётган, бўшаётган, меҳнат таътилига чиқаётган ёки бошқа сабабларга кўра иш жойини ташлаб кетаётган ҳолларда ҳужжатларни рўйхат билан Департаментнинг бошқа ходимлари иштирокида унинг ўрнига тайинланган ёки вазифасини вақтинча бажарувчи ходимга беришини таъминлайди.

#### **VI. Департаментни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

26. Департаментни қайта ташкил этиш ёки унинг фаолиятини тугатиш Марказий банк Бошқаруви қарори билан амалга оширилади.